



O'ZBEK TILI, ADABIYOTI  
VA FOLKLORI INSTITUTI  
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ  
ВА ФОЛКЛОРИ ИНСТИТУТИ

# O'zbek tili va adabiyoti

## ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда  
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

5  
2021

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
Ўзбек тили, адабиёти  
ва фольклори институти

Тошкент - 2021

*Бош муҳаррир:*

Низомиддин МАҲМУДОВ

*Таҳрир ҳайъати:*

Раҳматулла БАРАКАЕВ  
Наим КАРИМОВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА  
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Баҳтиёр НАЗАРОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Ёрқинжон ОДИЛОВ  
Эргаш ОЧИЛОВ  
(масъул котиб)  
Шомирза ТУРДИМОВ  
Боқижон ТЎХЛИЕВ  
Алмаз УЛВИЙ  
Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА  
Жаббор ЭШОНҚУЛОВ  
Бердак ЮСУФ  
Қурдош ҚАҲРАМОНОВ  
Улугбек ҲАМДАМОВ  
Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

Манзилимиз:  
100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй  
Телефон: (71) 233-71-44  
E-mail: jurnal\_uzlit@mail.ru

Ўзбек тили ва адабиёти  
№ 5, 2021

Мухаррир Э. Очилов  
Компьютерда саҳифаловчи Г. Эшмуродова

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан  
19.10.2017 йилда рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома №0053

МЧЖ "GLOBAL POLIGRAF DIZAYN"  
Босмахонасида чоп этилди.  
Буюртма № 04  
Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани,  
Нурмакон кўчаси, 1-уй.  
Қоғоз бичими 70x108, 1/16  
Офсет босма. "Times New Roman" гарнитураси.  
Шартли-босма табағи 8,5  
Тираж 442 нусха. Келишилган нархда.

© Ўзбекистон Республикаси ФА, 2021 йил.

## ЗАМОНАВИЙ ШЕЪРИЯТДА ЁМҒИР ОБРАЗИ

Оғзаки шеърятимизда камроқ қўлланган ҳолда ёзма шеърятимизда ранг-баранг поэтик қирралар касб этган образлардан бири – ёмғир. Табиатнинг бу гўзал неъматини сувнинг эврилиш тизимида ўз ўрнига эга. Шу сабабдан, асрлардирки, образга айланиб, бадий адабиётни беабаб келади. Ёмғир, жала, сел, баҳор ёмғири – абри найсон кўринишларига эга бўлган ва ҳаво совуқлик қилса, дўл ҳолатини касб этган ҳодисалар алоҳида-алоҳида поэтик маъно ташийдди. Ёмғир даражаланишидан ташқари мавсумга кўра баҳор ва куз ёмғири сифатида ҳам фарқланади.

*Ёмғир ёғар шигалаб, баҳорий майин ёмғир,  
Лекин бугун у мени завқлантирмас сира ҳам<sup>1</sup>.*

Баҳорий майин ёмғир атрофни, муҳими, инсон рухиятини равшанлаштириб, ғуборлардан тозалайди. Айни шу шеърда лирик қаҳрамонни завқлантирмагани шеър сюжетининг тугунидир.

Шарқ ва Ғарб, айни дамда, ўзбек шеърятига ёмғир образи маълум поэтик вазифа ташийдди. Й.Эшбек "Баҳор осмонлари" шеърда "ёмғир" сўзини дастлаб ўз маъносида қўллайди:

*Бир ажойиб тонг билан майин  
қўшилишиб ёмғирлар ёғар.  
Оч пистоқи, ложувард, заиф  
нурлар сели – зумрадлар оқар<sup>2</sup>.*

Бу сатрларни англаш учун тонг отаётиб, зулмат ёришаётганда ёғадиган ёмғирни томоша қилиш зарур. Нурларга қоришиқ ёмғирнинг оч пистоқи, ложувардлигини, рангинлигини шоир кўриши тайин. Ёмғирни табиат ҳодисаси сифатида намоён қилган шоир энди уни кўчма маънода қўллайди. Кўйлагини ечиб, кўксини ёмғирга тутган шоир истагига эътибор қилинг:

*Майсаларнинг огушида жим,  
"абадийлик сари адашиб"  
юрагимга ёмғирлар қуйсин,  
Деб танимни ечиб ташлардим,*

<sup>1</sup> Э м и н Г. Йигирманчи аср. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 82-бет.

<sup>2</sup> Э ш б е к Й. Мангу масофа. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, 55-бет.

*гилофларни синдирмоқ пайти  
ўсар юрак очик бағирда!  
Бутун олам ёниб порлайди  
унинг шаффоф учқунларида!*

Шоирнинг тасвирича, ёмғир сабабли юрак ўсиб, кўкрак – гилофни синдирди. Очик бағирда ўсган юрак шаффоф учқунлар сочади, ундан олам порлайди. Юрак жуда улкан гулхан бўлса, ёмғир ёққанида ундан шаффоф учқунлар сачрайди-да. Баҳор осмонларидан куйилган ёмғир манзараси кўмагида шоир эрк, озодлик, тинчлик, покликни тараннум этган, шеърхонга кўтаринки кайфият бера оладиган шеърни дунёга келтирган:

*Кўзларидан куйилар севинч,  
порлар ёмғир аро инсонлар.  
Менинг юртим осмонини ҳеч  
Тарк этмайди абри найсонлар!*

Инсонлар ёмғир аро порлар экан, уларнинг кўзларидан ёш эмас, севинч куйилади. Осмонини абри найсон тарк этмайдиган юрт улуғдир. Й.Эшбек ўз Ватанининг серфайз, сербаракот эканини шундай ифодалайди. Бу ёмғир образи орқали тараннум этилган Ватан ҳақидаги ўзига хос шеърдир.

А.Қутбиддиннинг "Ёмғир" шеъри икки қисмдан иборат. Биринчи қисмида ёмғирга айланиб, тупроққа сингиган ошиқ образи бор. Севган, аммо севилмаган лирик қаҳрамон дастлаб ёмғирга дарди хол қилади. Шеърнинг барча бандларидаги тўртинчи сатр бир хил: "Мени севмас ҳеч ким". Шоирни кийнаган дард шу. Лирик қаҳрамон ёмғирга айланишни иштайди.

*Қиёфам ёмғирда, у эса менман,  
Тагин, қайта-қайта кўриниш бердим.  
Тезроқ яширингин, томчиман, тигман,  
Мен севмас ҳеч ким<sup>3</sup>.*

Ёмғир қачон тигга айланади?! Севилмаган инсон дастлаб оғринади, бу оғриқ ғазабга, ғазаб ўчкорликка, нафратга айланиб боради. Шоир шу жараёни англатар экан, севилмаган бу ошиқнинг ёмғирга эврилганини ифодалайди. Фақат ўта ғазабнок ҳолатда, яни шитоб билан ёғаётган ёмғир томчидан тигга айлана олади. Севилмаса-да, севгани сабаб севиклисининг яширинишини сўрамоқда, буни "Зинҳор сенга, эй ёр, ёмонлигим йўк" деб таъкидламоқда. Шеърнинг иккинчи қисмида ёмғирга айланиб, тупроққа сингиган ошиқ "Тиндимми, индимми, охирул калом" деб ўз ҳолати ўзгарганини, ғазабидан тушганини ифодалаб, майса, чечакларга "ёримга

<sup>3</sup> Қутбиддин. А Сен ва сен учун, 55-бет.

салом бер" деб ўтинмоқда. Шу ўринда "Кимўзар ўйна-ю, биринг бер салом, Ундан бу баҳор" сатрларида "ундан" эмас, "унга бу баҳор" дейилса (эхтимол, нашр билан боғлиқ нуқсондир), фикр ифодаси услубий жиҳатдан тўғри ифодаланган бўларди.

Фольклорнинг эртак жанрида эврилиш турли кўринишларда акс эттирилгани каби шоир шеърнинг 2-қисмида ёмғирга айлангач, ялпизнинг унишига кўмаклашади ва ялпиздан ёрнинг уйига боришини сўрайди:

*Ялпизим, суюклим уйигача бор,  
Илож қил, дераза роҳида кўкар,  
Бўй тарат, димоғи ёнсин, у билсин,  
Мендан бу хабар.*

Сўнг какликка жон бўлиб, каклик орқали ёри дийдорини кўришини истайди. Сўнг кабутар вужудига кириш орқали ёрининг кафтига кўнишни орзу қилади:

*Бир соат, ижозат айла, қувонай,  
Дон берса ажабмас кафтида орзум.  
Зора мен ҳақимда суриб қолса ўй,  
Зум...  
Зум...*

"Зум... Зум..." Китобхон "бир зум" демоқчи дея ўйлаши табиий. Бизнингча, бир лаҳза сўзини "зум" билан берар экан, бу сўзни икки бор қўллаб, кўп нуқта қўйиб, ҳушёр китобхонга кабутарнинг "зум-зум" тарзидаги овозини ҳам етказа олган. Шоир бу орзуларнинг барини ёмғирга эврилган лирик қаҳрамон орқали амалга оширишни орзулайди.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада ҳозирги шеърятда ёмғир образининг бадиий вазифалари ва маъно кирралари таҳлилга тортилади.

**РЕЗЮМЕ.** В статье анализируются художественные функции и грани значения образа дождя в современной поэзии.

**RESUME.** The article analyzes the artistic functions and meanings of the image of rain in contemporary poetry.

**Таянч сўз ва иборалар:** шеър, образ, лирик қаҳрамон, маъно, тасвир, маҳорат.

**Ключевые слова и выражения:** стихотворение, образ, лирический герой, значение, изображение, мастерство.

**Key words and word expressions:** poetry, image, lyrical hero, meaning, image, skill.

## МУНДАРИЖА

### Тилшунослик

Д.Лутфуллаева. Ўзбек тилшунослигининг янги тараққиёт босқичи.....	3
Ё.Одилов. Мустақиллик даври ўзбек лексикографияси тараққиёти.....	12
М.Юлдашев. Ўзбек тилида ретронимлар.....	19
А.Бегматов. Ўзбек тили ва Олтин Ўрда.....	23

### Адабиётшунослик

З.Қобилова. Амирий ижодида фольклор мотивлари.....	31
Х.Ҳамрокулова. Абдулла Қаҳҳорнинг адабий-эстетик қарашлари.....	35
О.Олтинбек. Рауф Парфи сонетларининг каноник табиати.....	40
Ш.Назарова. Янги ўзбек шеърятининг шаклланишида баёз ва мажмуаларнинг ўрни.....	45
Х.Ҳамидов. Яқин тиллардан таржиманинг ўзига хосликлари.....	51

### Илмий ахборот

Б.Ражабова. Алишер Навоий ва Давлатшоҳ Самарқандий.....	56
А.Холмуродов. Амиркул Пўлкан шеърлари ҳақида.....	61
Г.Худоёрова. Абдулла Орипов шеърларида лирик кечинма .....	65
Ҳ.Юлдашева. Миллий руҳ талқинида поэтик мазмун ва шаклнинг ўрни.....	69
Л.Шарипова. Замоनावий шеърятда ёмғир образи.....	73
Н.Мўминова. Халқ инонч айтимларининг ўрганилишига доир.....	76
О.Кучкаров. Поэтик мотивларнинг прагматик хусусиятлари.....	80
Д.Қаландарова. Карл Райхл тадқиқотлари таснифи.....	86
Н.Турсунова. Муқимий маҳоратининг баъзи қирраларига доир.....	91
И.Саймуратова. Исажон Султоннинг "Озод" романида рамзийлик.....	95
Ҳ.Тўрабоева. Фирдавсий ижодининг Англияда ўрганилиши.....	98
Ш.Искандарова, Р.Жўраева. Муқимий шеърларида ўхшатишлар.....	101
М.Раҳматов. Алишер Навоий ғазалларида нутқий субъект.....	105
Э.Жабборов. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг лингвистик қарашлари.....	112
А.Ҳасанов. Лексик синонимиянинг замонавий талқини.....	116
М.Набиева. Терминларнинг формал-грамматик хусусиятлари ҳақида.....	120
Ҳ.Раҳмонов. О.Матжон шеърларида "қора" ранг билдирувчи лексема ассоциацияси.....	123
Д.Файзуллаева. Халқ достонлари тилида йилқичилик атамалари.....	126

### Фанимиз заҳматкашлари

Ҳ.Ҳомидий. Тадрижийлик.....	130
-----------------------------	-----

### Илмий ҳаёт

У.Ҳамдамов. Асрни бўйлаган адиб.....	133
--------------------------------------	-----